



МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

Янгибаев Айбек Кидирбаевич

Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти кафедраси бошлиғи,
подполковник, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20561121>

Аннотация: Ушбу мақолада маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг тушунчаси, мақсад ва вазифалари ҳамда асосий принциплари таҳлил қилинган. Шунингдек, ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан маъмурий ишларни кўриб чиқишда қонунийлик, холислик ва очиқликни таъминлаш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: маъмурий ҳуқуқбузарлик, иш юритиш, ваколатли орган, қонунийлик, одил судлов, ҳуқуқбузарлик профилактикаси, жавобгарлик.

Ўзбекистон Республикасида инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этишга қаратилган тизимли маъмурий ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг самарадорлигини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ва бартараф этиш бўйича идоравий назоратнинг замонавий механизмларини жорий этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш жараёнида қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига риоя қилиш, иш юритишда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритувчи ваколатли субъектларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Contact: 99 826 99 56





Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш – бу, қонунчилик ҳужжатлари ва маъмурий процессуал нормалар асосида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш ҳамда кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жазоларни қўллаш бўйича фаолиятidir.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритувчи ваколатли органлар деганда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўзғатиш, бу бўйича иш юритиш, ишларни кўриб чиқиш ва баённома тузишга эга бўлган ваколатли давлат органлари (мансабдор шахслари) тушунилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш бир нечта процессуал жараёнлар мажмуидан иборат бўлиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўзғатиш, далиллар йиғиш, процессуал ҳужжатлар расмийлаштириш, уларни кўриб чиқиш ва ишни тугатишгача бўлган ҳаракатларни талаб этади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаш.
2. Ишни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал этиш.
3. Чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлаш.
4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларини аниқлаш.
5. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.
6. Фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш.
7. Қонунийликни мустаҳкамлаш.





Маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона аниқлаш вазифасини таҳлил қилганда, содир этилган ҳуқуқбузарлик ишини кўриб чиқиш жараёнида маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси содир этилганлиги, шахснинг қанчалик даражада айбдорлиги, мулкӣ зарар етказилганлиги, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар ва ишни тўхтатишга олиб келадиган ҳолатларни аниқлаш лозим бўлади.

МАЪМУРИЙ ИШ ЮРИТИШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда қатор процессуал принципларга қатъий амал қилинади:

- **Қонун олдида тенглик:** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш барча фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, ижтимоӣ келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоӣ мавқеи, дини ва эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида ва шу ишни кўриб чиқувчи ваколатли орган ёки мансабдор шахс олдида тенглиги асосида кўриб чиқилади.
- **Иш юритиш тили:** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли гаплашадиган тилда юритилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича иш юритилаётган тилни билмайдиган иш жараёни қатнашувчиларига таржимондан фойдаланиш ҳуқуқи берилиб, унга ҳуқуқбузарлик ишига оид ҳужжатлар билан тўлиқ танишиш, кўриб чиқиш ва бошқа процессуал ҳаракатларда қатнашиш, ўз она тилида эркин мулоқот қилиш ҳуқуқи таъминланади.
- **Очиқлик ва ошкоралик:** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш жараёнида очиқлик принципи таъминланади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг





тарбиявий ва огоҳлантирувчи ролини ошириш, кейинчалик ҳуқуқбузарликни қайта содир этилишини олдини олиш мақсадида бундай ишлар ҳуқуқбузарнинг яшаш, иш, ўқиш жойларида ёки кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида маҳаллаларда кўриб чиқилиши мумкин.

- **Прокурор назорати:** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади. Прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатишга, иш материаллари билан танишиб чиқишга, иш юритиш вақтида органларнинг ҳаракатлари қонунийлигини текширишга, иш юзасидан қабул қилинган қарорга протест келтиришга ҳақлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик иши бўйича дастлабки маъмурий текширув жараёнида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (МЖТК) 271-моддасида белгиланган ишни юритишни истисно этувчи ҳолатлар аниқлаштирилиши керак. Агар қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозим:

- Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломати йўқ бўлса.
- Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш пайтида шахс ўн олти ёшга тўлмаган бўлса.
- Ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этган шахс ақли норасо бўлса.
- Шахс ҳаракатни зарурий муҳофаа ёки охириги зарурат ҳолатида қилган бўлса.
- Шахс ҳаракатни жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш натижасида қилган бўлса.





- Амнистия акти чиқиши, агар у маъмурий жазо чорасини қўлланишни бекор қилса ёки маъмурий жавобгарликни белгиловчи ҳужжат бекор қилинган бўлса.
- Ишни кўриб чиқиш пайтига келиб МЖТКнинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса.
- Шахс хусусида шу факт юзасидан маъмурий жазо қўллаш ёки ишни тугатиш тўғрисида қарор чиқарилган бўлса ёхуд жиноят иши қўзғатилган бўлса.
- Шахс иши юритила бошланган пайтда вафот этган бўлса ёки жабрланувчи билан ярашган бўлса (МЖТК 212-модда).
- Тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахслари ёки ходимлари биринчи марта содир этилган ҳуқуқбузарликни 30 кунлик муддатда ихтиёрий равишда бартараф этган ва (ёки) зарарни қоплаган бўлса (фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган ҳоллар мустасно).

ДАЛИЛЛАР ВА ИСБОТЛАШ ЖАРАЁНИ

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ким томонидан содир этилганлигини аниқлаш ва тўпланган фактик маълумотлар бўйича исботлаш муҳим жараёнлардан бири ҳисобланади. Исботлаш – бу ҳуқуқбузарлик ишида объектив ҳақиқатни аниқлаш жараёни бўлиб, унинг мазмуни далилларни тўплаш, тадқиқ қилиш, баҳолаш ва улардан фойдаланишдан иборатдир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар қуйидаги воситалар орқали белгиланади:

- Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари.
- Жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари.
- Эксперт хулосаси ҳамда мутахассис маслаҳати ва тушунтиришлари.





- Ашёвий далиллар ҳамда ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома.
- Аудио, видеоёзувлар, фотосуратлар ва иш бўйича тўпланган бошқа материаллар.

Ваколатли орган (мансабдор шахс) тўпланган далилларга ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона жамлаб текширишга асосланган ўзининг ички ишончи билан қонунга риоя қилган ҳолда баҳо беради. Агар ишни кўриб чиқиш пайтида жиноят аломатлари бор деган ҳулосага келинса, материаллар прокурорга топширилади.

ИШ ҚЎЗҒАТИШ ВА МАЪМУРИЙ БАЁННОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритиш ваколатли органнинг мансабдор шахси томонидан ишни қўзғатишдан бошланади ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий баённома тузилади. МЖТКнинг 280-моддасига биноан, маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қоидаларга риоя этилишини текшириш ва (ёки) назорат қилиш ваколати юклатилган мансабдор шахсгина баённома тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада қуйидагилар кўрсатилади:

- Баённома тузилган сана ва жой.
- Баённомани тузган мансабдор шахснинг лавозими ва Ф.И.Ш..
- Ҳуқуқбузарликни содир қилган шахс ҳақида маълумотлар.
- Ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт, моҳияти ва жавобгарликни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат.
- Гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлса, уларнинг яшаш манзиллари ва Ф.И.Ш..





- **Ҳуқуқбузарнинг тушунтириш хатлари ва етказилган моддий зарар** (агар мавжуд бўлса).

Баённома мансабдор шахс, ҳуқуқбузар ва гувоҳлар (жабрланувчилар) томонидан имзоланади. Ҳуқуқбузар имзолашдан бош тортса, бу ҳақида баённомага ёзиб қўйилади. Баённома тузиш жараёнида ҳуқуқбузарга МЖТКнинг 294-моддасида назарда тутилган унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади.

Баённома тузилмайдиган ҳолатлар (МЖТК 283-моддаси): Агар фуқаро ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирмаса ҳамда унга жойнинг ўзида солинадиган жарима миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан ошмаса, баённома тузилмайди ва жарима тўлаганлиги тўғрисида квитанция берилади. Шунингдек, қоидабузарлик махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилганда, солиқ ёки божхона қўмитасининг электрон тизимлари орқали аниқланганда ҳам баённома тузилмайди.

Ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш (МЖТК 284-моддаси): Ҳуқуқбузарнинг ёнида шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаса ёки у шахсига доир маълумотларни планшет орқали ихтиёрий равишда аниқлашга қўмак беришни истамаса, ички ишлар органи ходими уни ИИОга ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига (маҳаллага) келтириши мумкин. Бундай ҳолатда маҳалла биносига олиб келинган шахс у ерда бир соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмас.

ХУЛОСА

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг умумий қоидаларига қатъий амал қилиш, иш бўйича барча процессуал ҳужжатларни (хусусан, маъмурий баённомани) тўғри ва хатосиз расмийлаштириш орқалигина қонун устуворлигини таъминлаш мумкин. Ҳар бир ишни ҳолисона





ва адолатли кўриб чиқиш фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни.
3. Янгибаев А.К. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2023.
4. Янгибаев А.К. Йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2025.

